



**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИГА
ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚБУЗУАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ
БҮЙИЧА ФАОЛИЯТИ.**

А.О.Иномжонов

Ички Ишлар Вазирлиги Академиясининг 3- босқич 315-гурӯҳ курсанти

Annotation: The relevance of the research topic in this dissertation, the concept of improving the work of the prevention inspector on the prevention of offenses against public order, the current state of preventive measures and the specifics of implementation. In addition, a practical analysis of the norms in the framework of improving the activities of the prevention inspector on the prevention of violations of public order, as well as procedural documents, problems and shortcomings in this activity, as well as a number of suggestions to address some problems and shortcomings. The advanced foreign experience on the organization of improvement of activity of the inspector of prevention on the prevention of offenses of public order and also different and similar aspects of our national legislation.

Keywords: relevance, shortcomings, prevention, procedural, national

БЕЗОРИЛИККА ОИД ИШЛАРНИ БИР-БИРИДАН ЎЗАРО ФАРҚИ.

Судларда безорилик жинояти билан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланадиган майда безориликни бир-биридан фарқлаш билан боғлиқ муаммолар бўйича турли ҳуқуқшунослар томонидан мунтазам равишда хилма хил фикрлар билдирилиб келинмоқда. Бу судлар томонидан безорилик жинояти ва маъмурий ҳуқуқбузарликни бир-биридан фарқлаш учун ҳар бир маъмурий ёки жиноий ҳолатнинг таркибларига синчковлик билан ёндошиб, чукур таҳлил қилишни ва тўпланган ҳужжатларни қўшимча далиллар билан таққослаган ҳолда ҳар бир ҳолат бўйича қонуний тўхтамга келишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли Қарорида безорилик жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўйпослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилади. Қилмишни Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиш учун юқорида кўрсатилган оқибатларнинг барчаси бир вақтда мавжуд бўлиши талаб этилмайди деб кўрсатиб ўтилган.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) қўпол тарзда бузиш тушунилади. Қонун мазмунига кўра ҳуқуқбузар ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини



"PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



бузаётганлигини англаши лозим. Бунда мазкур хатти-харакатлар билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шарт. Сабабий боғланиш аниқланмаган ҳолда қилмиш шахсга ёки мулкка қарши қаратилган маъмурий хуқуқбузарлик ёки жиноят деб баҳоланиши лозим.

Майда безорилик тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг [183-моддасида](#) берилган бўлиб, унинг мазмунига кўра, ушбу хуқуқбузарлик жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш, беҳаё қиликлар қўрсатиш, фуқароларга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини бошқача тарзда бузиш каби жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасликда ифодаланади. Бунда Жиноят кодекси 277-моддасининг [1-қисмида](#) назарда тутилган жиноий оқибатлар мавжуд бўлмаслиги керак. Гурӯх томонидан содир этилган майда безориликни, башарти, хуқуқбузарларнинг ҳаракатида Жиноят кодекси 277-моддасининг [1-қисми](#) аломатлари бўлмаса, Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг [«б» банди](#) билан квалификация қилиш мумкин эмас. Агарда хуқуқбузар ўзининг майда безорилик ҳаракатларини давом этиб, хуқуқбузарнинг кейинги ҳаракатлари шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш билан содир этилган бўлса, шахс маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, фақат жиноий жавобгарликка тортилади. Ушбу ҳолатда ҳам хуқуқбузарнинг ушбу ҳаракатларни содир этиш жараёнида унинг субъектив томони яъни мақсадига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Хуқуқшунос олимлар фикрича, безорилик жиноятининг объектив томони куйидаги ҳолатларда намоён бўлшини кўрсатган:

- жамоат тартибини қўпол равища бузиш;
- жамиятга нисбатан аниқ ҳурматсизликни ифодалаш;
- фуқароларга нисбатан зўравонлик ишлатиш ёки зўравонлик ишлатиш билан кўрқитиш, шунингдек мол-мулкини нобуд қилиш;

Жамоат тартибини қўпол равища бузиш деганда, одамлар ўртасида мавжуд бўлган ахлоқ-одоб қоидаларини қўпол равища бузиш, фуқароларнинг хуқуqlари, мол-мулкига зарар етказиш, хуқуқбузарнинг ҳаракатлари транспорт воситаларининг вақтинча тўхтатилишига сабаб бўлиши кабиларда намоён бўлади деб таъкидлаб ўтган. Жамоат тартиби жиноий-хуқуқий ҳимоя обьекти сифатида ижтимоий муносабатларнинг умумийлиги, жамоат тинчлиги, жамоат ахлоқ меъёрларига риоя қилиш, шу жумладан, фуқароларнинг қонунларга бўйсунадиган барқарор хатти-ҳаркатлари жамоат жойларида транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракати, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг узлуксиз фаолият олиб бориши тушунилади.

Жамоат тартиби – хавфсизлик ва фуқароларнинг тинчлиги, ўзгалар мулкини сақлашни, жмоат ва давлат ташкилотлари, корхоналар, муассассалар, ташкилотларнинг бир меъёрда ишлаб. туришини таъминлашга йўналтирилган одамлар ўртасидаги ахлоқ ва хуқуқ нормаларига асосланган муносабатлар тартиби.

"PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



Мазкур муносабатларга риоя қилинмаслиги оқибатида безорилик жинояти вужудга келади. Жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик мўлжалланмаган жойларда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш, уятли сўзлар билан сукиниш, жамоат жойларида очиқчасига ҳожат чиқариш, ялонғоч ҳолда бўлиш, ҳайвонлар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш, ўсимликларга зарап етказиш укаби умум эътироф этилган одоб-аҳлоқ қоидаларига менсимасликда ифодаланади. Қонун мазмунига кўра, айборд ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганинг англаб этиши лозим. Мазкур ҳолатда ҳукуқбузарнинг ушбу хатти-ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шарт. Сабабий боғланиш бўлмаган ҳолатда қилмиш шахсга ёки мулкка қаратилган ҳукуқбузарлик ёки жиноят деб малакаланади.

ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ва уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш билан боғлиқ бўлган безорилик уриш-дўппослаш ёки баданган енгил шикаст етказиш амалга оширилган пайтдан тугалланган ҳисобланади. Ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан боғлиқ бўлган жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик анча микдорда зарап етказиш тарзидаги оқибат юз берган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Субъектив томондан безорилик тўғри қасддан содир этилади. Айборд жамоат тартибини бузаётгани, дўппослаётгани, баданга шикаст етказаётгани ёки ўзганинг мулкини нобуд қилаётгани ёки унга шикаст етказаётганини англайди ва бу ҳаракатларни амалга оширишни истайди. Ушбу ҳолатда ўзганинг мулкига шикаст етказиш ва нобуд қилиш тушунчаларининг бир-биридан мазмун жихатдан фарқ қилишини ҳолатга тўғри ҳукукий баҳо бериш учун билиш керак. Яъни мулкка шикат етказиш-қисман яроқсиз ҳолга келтирилган мулкни муайян сарф-ҳаражатлар эвазига тиклаш имкониятининг мавжудлигини, мулкни нобуд қилиш деганда, уни батамом яроқсиз ҳолга, яъни мулкдан кўзланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган ҳолга келтирилишини тушуниш лозим. Безорилик жиноятининг мотиви безорилик, яъни жамиятга очиқдан-очиқ ҳурматсизлик мотови бўлиб, у ўзининг атрофдагиларга ғайриқонуний қарши қўйиш, ўзининг алоҳида шахсиятини намоён қилишда, дағал кучни намойиш этишда акс этади. Бунда жиноий ҳаракат қандай предметга қаратилганлиги ва у қайси ижтимоий муносабатлар тизимида амалга оширилаётганини аҳамиятга эга эмас. Жамиятга очиқдан-очиқ ҳурматсизлик деганда, умум эътироф этилган, ахлоқ, ҳукмрон одатлар, анъаналар билан мустаҳкамланган ҳулқ-атвор қоидалари ва меъёrlарини намойишкорона менсимасликни тушуниш лозим. Безорилик нияти жиноий қилмишнинг ўзи, жамоат тартибини бузиш субъектга лаззат баҳш этишини англатади. Безориликнинг мақсади зўрлик ишлатиш йўли билан жабрланувчини эсанкиратиб қўйиш, унинг иродасини синдириш, уни ўз ҳукмига бўйсундиришда намоён бўлади. Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган

"PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



безориликнинг субъекти ҳисобланади, ушбу модданинг 2- ва 3- қисмлари бўйича эса 14 ёшга тўлган шахслар субъект ҳисобланади.

Майда безорилик кўпинча жамоат жойларида амалга оширилади, яъни омманинг қабул қилиш идрокига таянилади. Бироқ жамоатга ёки инсон шаънига нисбатан менсимаслик муносабати (уялчи сўзлар ёзиш, майсазор, гулпушта, гулзорларни бузиш ва ҳоказолар) маълум бўлиб қолишини эътиборга олиб, ҳуқуқбузарлик яширинча бажарилган бўлиши мумкин. Майда безорилик субъектив томондан қасддан ва кўпинча ошкора амалга оширилиши билан тавсифланади. Айбдор қонунга қарши хатти-ҳаракат қилаётганини тушунади ва шунинг натижасида ёмон оқибатга олиб келишига — жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталиги бузилишига йўл қўяди. Майда безорилик онда-сонда эгри ният билан амалга оширилади.

Юқорида келтириб ўтилган таҳлиллардан шу нарса маълум бўладики, безорилик жинояти билан майда безорилик ҳуқуқбузарлигининг бир-биридан асосий фарқи, уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда ҳуқуқбузарлик обьекти, обьектив томони ва субъектив томонига алоҳида эътибор берган ҳолда фарқланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Рахбарий адабиётлар

1. 1.Биринчи президентимиз Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т, 1993. – Б. 14.
2. Биринчи президентимиз Каримов И.А. Ўзбекистон миллий
3. истиқлол иқтисод сиёсат мафкура. Т Ўзбекистон 1996 й Б-1
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис
5. палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ . – Т., 2016. – Б. 56

Диссертациялар.

6. 3.1. Н.Т.Мухамедбаева. Шаҳар ИИОнинг жиноятчиликни олдини олиш бўйича жамоатчилик ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш ва такомиллаштириш йўллари. Т- 2003.

IV.Монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари

7. 4.1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев 2021 йил 25-октябрь ички ишлар идоралари ходимлари куни байрами муносабати билан йўллаган байрам табригида. Тошкент- 2021-йил Поста.
8. 4.2. Конституция - эркин ва фарован ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллига бағишлиланган тантанали маросимида. 2017 йил 8 декабрь Ҳалқ сўзи.

"PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



9. 4.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2017 йилнинг 9 февраль куни Ички ишлар фаолияти, тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишиланган видеоселектор. Тошкент 2017 йил Поста.

10. 4.4. 2017 йил 12 июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 151-сонли бўйруғи .Т- 2017 йил

11. 4.5. Ички ишлар Вазири П.Бобоҷоновнинг оммавий ахборат воситаларигаберган интервюсида. Тошкент 2018 йил 24 феврал Поста .

12. 4.6. Ички ишлар органларининг профилактика хизматларининг жиноятлдарнинг олдин олиш фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш.Ўқув кўлланма. Ж.С.Мухторов.

13. 4.7. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси.

14. Дарслик. ИИВ Академия.

15. 4.8. И.С.Жахонгиров. Криминология. Дарслик. Махсус қисм.

16. 4.9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Ҳалқ сўзи. 2017 йил 20 сентябрь.

17. 4.10. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг

18. Ахборатномаси. –2020 йил Махсус 205-сон

19. 4.11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳалқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Ҳалқ сўзи.2019 йил10 ноябр.

20. 4.12. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотлар. Тошкент 2020 йил Ў.Муҳам медов.

21. 4.13 Г.А.Аванесов. Криминология и социальная профилактика. М 2020 С 459.Криминология общая часть. 2021 г.

22. 4.14. З.С.Зарипов Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари учун муқобил чоралар. Ҳалқаро ҳуқуқ. Т 2019 йил

23. 4.15. Ички ишлар идораларида ислоҳотлар - тинчлик ва осойишталик гарови: И. Исмаилов, Ў.Х. Муҳам едов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С. Мухтаров,

24. Б.Э. Закиров, Д.М. Миразов, А.А. Пардиев, А.А. Матчанов, Н.Т. Исмоилов: Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2014 -йил

25. 4.16.Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича ҳужжатлар намуналари. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н.

26. Йўлдошев таҳрири остида. Т.: Адолат, 2014 йил 272 б.

27. 4.17. Г.А.Аванесов. Криминология и социальная профилактика. М 2018 С 459.Криминология общая часть. 2019 г.

28. 4.18. Жиноятчиликка қарши курашишнинг криминологик чоралари. И.М Каракетов, М.У Усмоналиев. Тошкент –2014 й 152-155 Б



"PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



29. 4.19. ИИОнинг жиноятларни олдини олиш фаолиятида виктимологик имкониятларидан фойдаланиш Р.А Хатамов Т-2004 йил 78-80 Б

30. 4.20. Ш.Абдуллаева. Жиноятчилик ва ҳукуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш . Тошкент 2017 йил 275-6

